



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
2 май
ЧОРШАНБА
№ 34
(12.462)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

БАДИЙ ГИМНАСТИКА



КАТТА СПОРТГА ДАДИЛ ҚАДАМ



Қибрай туманидаги Байқўрғон спорт мажмуаси ёш истеъодлар намоиши этган мусоасиз баҳслар шуосига яна бир бор гувоҳ бўлди. Ҳар жиҳатдан мукамал жиҳозланган мажмуада спортнинг нафис тури – бадий гимнастика бўйича "Камалак гунчалари" аънавий турнирининг вилоят финал босқичи бўлиб ўтди.

масиға олган "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлимининг хизматларини алоҳида таъкидлаш ҳоли.

Аънавий турнирнинг беистисно барча шахар ва туманларда бўлиб ўтган саралаш босқичлари ёш гимнастикачи қизлар учун навбатдаги маҳорат мактаби вазифини ўтади. Бундан ташқари, жойларда мунтазам ўтказилаётган бундай мусобақалар вилоятимизнинг олис ва чекка қишлоқларида ҳам маҳаллий миллат вакиллари бўлган ёш қизларнинг нафис гимнастикага қизиқиши ортишига, бу севимли спорт турининг жойларда янада кенг оммалашшига хизмат қилмоқда.

Байқўрғон мажмуида саралаш мусобақаларида малака ва маҳоратларини чарҳлаб, голибликни қўлга киритган 36 нафар энг сара бадий гимнастикачи қизларимиз шохсупанинг совринли ўринларини эгаллаш учун курашдилар. Вилоят босқичига энг тажрибали гимнастикачилар етиб келишгани бутун мусобақа давомида яққол кўзга ташланиб турди. Ёш бўлишларига қарамай, қизлар чамбар, булава, лента, тўп ва аргамчида мураккаб машқларни маҳорат билан бажардилар.

Маълумки, бадий гимнастика баҳсларида нафақат спорт маҳорати, балки қизларнинг кийими, соч турмаги ва юз пардози масалаларига ҳам ҳақамлар ҳайъати жиддий талаблар қўйишади.

Собиқ машҳур гимнастикачи ва тажрибали мураббийлардан иборат ҳақамлар иштирокчиларнинг ташқи қиёфасидан тортиб, мусиқа оҳанглирига мос ҳаракат қилишларига эътиборга олишди.

Мусобақалар якунида голиблик Бўка тумани вакили Севара Нейматиллаева ҳамда Янгийўл туманилик Шохид Абдухалиловага насиб этди. Иккинчи ўринни қибрайлик Зилола Раҳмонова ва Ўрта чирчиқлик Дилдора Содикова, учинчи ўринни Янгийўл туманилик Кристина Алимжонова ва оҳангаронлик Мадина Абдуллаева эгаллашди.

Совриндор ва иштирокчилар фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Энг муҳими эса, ёш гимнастикачи қизлар йирик мусобақаларда эмин-эркин қатнашиш юзасидан яна бир бор қимматли тажриба орттирдилар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

БУГУННИНГ ГАПИ

ДОЛЗАРЪ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига фуқароларнинг прописка қилиниши масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Адлия ҳамда Ички ишлар вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда нотариуслар ва ички ишлар идораларининг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш тизими масъул ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Нотариат, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ва адвокатура босқармаси бошлиги Д. Ғекубова, Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бош босқармаси бошлигининг Ўринбосари У. Тошмухамедов мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини из-

чил ҳимоялаш борасида барча зарур шарт-шароитлар яратилаётганини таъкидлади.

2011 йил 14 сентябрда қабул қилинган "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни доимий прописка масалалари-

нинг ҳуқуқий ечимини мустаҳкамлашга замин яратди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 22 сентябрда қабул қилинган "Тошкент шаҳри ва вилоятида паспорт тизими қоидаларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мазкур қонун ижросини таъминлашда муҳим омили бўлмоқда. Фармонга қўра, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари ҳузуридаги мазкур масалалар бўйича махсус комиссияларнинг фаолияти тугатилди. Эндиликда, доимий пропискага қўйиш масалалари бўйича ички ишлар оҳанглири шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

2012 йил 16 февралда қабул қилинган "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарорида доимий прописка қилиш билан боғлиқ муносабатлар тизими янада такомиллаштирилди.

Семинар-тренингда мазкур қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти ва уларнинг ижросини таъминлашда эътибор қаратилиши зарур масалалар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Н. АБДУРАИМОВА, ЎЗА муҳбири.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ХОНАДОНЛАРГА ЗИЛОЛ СУВ

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар рўёби кўплаб хонадонларнинг зилол сувга бўлган эҳтиёжини қондирмоқда.

Худди шундай лойиҳалардан бири Пискент тумани "Ғайрат" маҳалласида амалга оширилди. Аҳоли пунктини оби-ҳаёт билан таъминловчи насос таъмирланиб, 1,5 километр масофага янги қувурлар тортилди. Пировардига маҳалла аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси барҳам топди.

СИФАТИ ҚУРУВЧИЛАРГА МАНЗУР

Бекобод шаҳридаги қурилиш материаллари тайёрлаш ва ихтисослашган "Нанобетон Макс прогресс" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган сифатли темир-бетон маҳсулотлар бунёдкорларга манзур бўлапти.

Яқиндан бошлаб бу ерда пеноблоклар тайёрлаш йўлга қўйилди. 12 кишини иш билан таъминлаган янги лойиҳани рўёбга чиқариш учун жамият ўз ҳисобидан 106,7 миллион сўм йўналтирди. Эндиликда жамоа қурилиш нуқталарига йилга 7 минг донага сифатли маҳсулот етказиб бериш имкониятига эга бўлди.

Алишер РАҲМАТОВ.

ПИЛЛА – 2012



УНИ ИПАК ҚУРТИ ДЎХТИРИ ДЕЙИШАДИ

Вилоятимизда қимматбаҳо саноат хом ашёси – пилла етиштириш масъули ушшоқлик билан бошлаб юборилди. Республика Президентининг

"Республика пиллачилик тармогини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан сўнг тармоққа эътибор кескин кучайди.

Жойлардаги пиллаҳоналарга қарашли инкубаторияларда жонлантирилган ипак куртлари боқиб учун хўжалиқларга тарқатиб бўлинди. Қуйи Чирчиқ туманида ҳам ҳосилдорликни ошириш ва етиштирилдиган пилла сифатини яхшилаш мақсадида пиллакорларга барча шароитлар яратиб берилмоқда.

Айниқса, ипак куртларини жонлантиришдан тортиб, уларни парвартиришда туман пиллаҳонаси пиллакори Назира Бойбоқованинг ҳиссаси эътирофга лойиқ. У ҳар йили туман-

даги 12 та инкубацияни назорат қилиб, ипак куртларини жонлантиришда 26 йиллик тажрибасини қўлаб келади. – Ипак курти уруғларини жонлантиришга қўйишдан олдин ҳар мавсумда тумандаги деярли барча тутзорларни айлиниб чиқаман, – дейди у. – Кўп йиллик тажрибамга таянган ҳолда тутлар таъминан неча кунда барг ёзишини биладан ва шунга асосла-

ниб, инкубацияларда жонлантиришни бошлаймиз. Ипак курти 8-9 кунда очиб чиқади. Ҳар бир кунда 29 граммдан уруғ бўлса, шундан 19 грамм ипак курти жонланади. Бу йил туманимизда 2600 кунти ипак курти тайёрланди. 2200 кутиси "Хорижий" бўлса, қолган 400 кутиси маҳаллий "Тетра гибрид-3" навиди.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: Назира Бойбоқова (ўнган биринчи) ипак курти тарқатиш пайтида. Равайн ЁҚУБЖОНОВ олган сурат.

Бугунги кунда банкларнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётимиздаги ўрни беқисбсиз. Айниқса, мамлакатимизда мулкчиликнинг турли шакллариға кенг имкониятлар берилгани боис банк хизмати яна муҳим аҳамият касб этди.

АҲОЛИ ИШОНЧИ, ТАДБИРКОР ТАЯНЧИ

– Мустаҳкам оила йили муносабати билан ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, шунингдек, кредит сўраб мурожаат қилган юридик шахсларга 141 млн. 460 минг сўм қисқа муддатли, 168 млн. 491 минг сўм узок муддатли кредитлар ажратдик, – дейди миллий банкнинг Янгийўл туман филиали бошқарувчиси Р. Мардиев. – Бундан ташқари, ҳудудимизда фаолият кўрсатаётган савдо-сотиқ корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалиги тизимига ҳам етарли миқдорда кредит

маблағлари берилмоқда. Ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун йилнинг биринчи чорағида 130 млн. сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Бу эса бозорларимизда сифатли ва арзон маҳсулотлар кўпайишига, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда. Йил якунига қадар янги бозор инфратузилмаларига ажратилган кредитлар янада ортиб бориши кўзда тутилган.

Ўз муҳбиримиз.

ДАСТУРХОНГА ШИРМОЙ НОН

"Оққўрғон иссиқ нон" масъулияти чекланган жамияти аҳолига турли хил қолипни нон ва нон маҳсулотлари етказиб бера болади.

Корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун банкнинг 80 миллион сўмлик молиявий ёрдами кўл келди. 14 кишилик корхона жамоаси тайёрлаётган сифатли маҳсулотлар айни пайтда пешма-пеш худуддаги савдо нуқталарига етказилмоқда.

Аъло АЛИЕВ.

ҚОНУН ВА ИЖРО

ОГОҲЛИК ВА ИШЧАНЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикасининг "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганига 14 йил бўлапти. Ўтган даврда икки марта ўзгариштирилган киритилиб, такомиллаштирилди. Шу тариқа гидротехника ин-

шоотларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш, реконструкция қилиш, тиклаш, консервациялаш ва тугатишда хавфсизликни таъминлашнинг мукамал қонунчилик асослари яратилди.

– Биз сўнги икки йил давомида мазкур қонуннинг вилоятдаги ижроси юзасидан назорат-таҳлил ўтказдик, – деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуничилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича қўмитаси ишчи гуруҳи раҳбари Фарҳоджон Қувватов. – Маълумки, ҳозир-

ги пайтда Тошкент вилоятида 37 та йирик ва муҳим гидротехника иншоотлари ишлаб турипти. Тошкент ва Оҳангарон сув омборлари, бир қатор гидророзлектр станциялари, Далварзин, Тошкент ва бошқа каналлар ноёб муҳандислик иншоотлари бўлиб, халқ хўжалигини ривожлантириш мақсад-

ларига самарали хизмат қилмоқда. – Гидротехника иншоотларидоги таъмирлаш-тозалаш жараёнлари ҳақида нима дея оласиз? – 2007-2011 йиллар учун гидротехника иншоотларида авария ҳолатларининг олдини олиш давлат дастури ишлаб

(Давоми 2-бетда).

Юқори Чирчиқ туманида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари барқарор кўпайиб боришида ҳудудда янгидан иш бошлаган хорижий сармояли корхоналарнинг ҳиссаси катта бўлапти.

САРМОЯНИНГ САМАРАСИ

Жанубий корейлик ишбилармонларнинг 200 минг АҚШ долларлик сармояси иштирокида ташкил этилган "Kortex sox" масъулияти чекланган жамияти шундай ишлаб чиқариш тузилмаларидан. Бу ерда асосан, тўқимачилик маҳсулотлари, хусусан, эркалар ва аёллар пайпоқлари тайёрланади. Аҳамиятлиси, янги корхона йилга 1,5 миллион донага таёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Шерзод МУРОДОВ.

ҚОНУН ВА ИЖРО

ОГОҲЛИК ВА ИШЧАНЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Ўтган мuddатда Охангарон ва Чирчиқ дарёлари узанларини бошқариш ва химоялаш иншоотларининг техник ҳолати баҳолаб, Тошкент сув ombорида очик коллектор дренажлари механизмлар ёрдамида тозаланди. Навгарзон сел қабул қилиш иншооти тозаланиб, видеокузатув мосламалари ҳамда қўриқлаш пости ўрнатилган.

Ўтган йили 564 миллион сўмга яқин маблағ сарфланиб, Тошкент магистраль каналдаги дюкер қайта қурилди. Паркент магистраль каналнинг хавфли участкаларида бетон қопламалар барпо этилди. Бўриҳар ва Қорасув каналлари қирғоқлари мустаҳкамланди. 2010-2011 йилларда 1438 километр узунликдаги хўжалиқларро каналларни тозалаш, гидротехника ва сув ўлчаш иншоотларини таъмирлашга 2 миллиард 67 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Маълумки, кадастр хужжатлари гидротехника иншоотларида хавфсизлик чораларини қўришда муҳим ўрин тутгади. Маҳаллий идора ва вакиллик органларининг шу бордаги сазй-ҳаракатлари ҳақида гапириб берсангиз.

Бу йўналишда "Давсув-хўжалиқназорат" инспекцияси асосий масъул бўгин ҳисобланади. Сўнгги икки йилда инспекция мутахассислари 35 та иншоотнинг кадастр хужжатларини ишлаб чиқарди. Шунингдек, Тошкент сув ombори билан Паркент каналнинг кадастрларига аниқликлар киритилди.

Лекин шу ўринда бир ҳолатни таъкидлаш жоиз. Кейинги икки йилда халқ депутатлари туман кенгашлари "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун жиросини ўрганиш юзасидан бирорта ҳам мониторинг ўтказмагани, бу жиддий масала сессия ёки доимий комиссияларда қўриб чиқилмагани ташвишланарлидир.

Вилоятда катта-кичик ГЭСлар тизими яратилган. Улардаги хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларини қандай баҳолайсиз? (Давоми. Боши 1-бетда).

ТАДБИР

Чирчиқ шаҳар ижтимоий-иқтисодий коллежида республика Президентининг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида "Энг яхши китобхон" кўрик-танлови ўтказилди.

ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН

"Соғлом авлод учун" жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, интеллектуал ривожланган шахсни шакллантиришга, ўқувчилари давлат ва жамият қонуничлиги, фан-техника ютуқлари, педагогик маданият, санъат ва фан соҳасида эришилган ютуқлар акс эттирилган китоблар билан таништириш мақсадида уюштирилди.

Бошқариш ва химоялаш иншоотларининг техник ҳолати баҳолаб, Тошкент сув ombорида очик коллектор дренажлари механизмлар ёрдамида тозаланди. Навгарзон сел қабул қилиш иншооти тозаланиб, видеокузатув мосламалари ҳамда қўриқлаш пости ўрнатилган.

ДАВРА СУҲБАТИ



МУҲИМ ЛОЙИҲА АМАЛДА

Қирғай туманидаги Байтўғрон қишлоғида "Маҳалла – манзил ижтимоий химоя маркази" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Уни Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ташкил этди. Давра суҳбатида Олий Мажлисда Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят ва Қирғай туман кенгашлари депутатлари, Марказий банкнинг вилоят бошқаруви, туман ҳокимлиги вакиллари, партия етакчилари, электротар намоёндалари иштирок этишти.

Суҳбат жараёнида давлат бошқарувини демократлаштириш, кучли фуқаролик жамиятига ўтиш йўлида амалга оширилаётган ишловларда маҳаллаларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлаш, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижроси масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Маҳаллалар фаолиятини тақомиллаштириш, уни аҳоли, айниқса, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий химоя қилиш мақсадида Халқ демократик партияси амалга ошириётган "Маҳалла – бирлар ижроси масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Маҳаллалар фаолиятини тақомиллаштириш, уни аҳоли, айниқса, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий химоя қилиш мақсадида Халқ демократик партияси амалга ошириётган "Маҳалла –

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси фаолияти таҳлилига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда компания бошқаруви аъзолари, темир йўл корхона ва ташкилотлари раҳбарлари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

ТЕМИР ЙЎЛ ХИЗМАТИ КЕНГАЙЯПТИ

Анжуманда республика Президентининг "Темир йўл инфраструктураси тармоқларини, транспорт ва коммуникация қурилишини 2011-2015 йилларда ривожлантиришни тезлаштириш тўғрисида"ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар ижросига қаратилган ишлар натижаси, инвестиция дастурига қиритилган лойиҳаларнинг бажарилиши, янги йўллар барпо этиши, янги йўл участкаларини электрлаштириш, юк ташувчи ва йўловчи ташувчи вагонларни қайта тиклаш, модернизация қилиш ҳамда локомотив ва вагонлар паркинни янгилаш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар ҳусусида иштирокчиларга атрафли маълумот берилди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

СКРИНИНГ МАРКАЗЛАР ФАОЛ



МУҲИМ ЛОЙИҲА АМАЛДА

Давра суҳбати иштирокчилари ўзларини қизиқтирган "Қам таъминланган оилалар паррандачиликни ривожлантириш учун қандай фойдалардан кредит олишлари мумкин?", "Кредит олиш учун, албатта, кам таъминланган оила бўлиши керакми?", "Қим учинчи шахс қадрлигига ўтиши мумкин?" сингари саволларга мутахассислардан малакали жавоблар олишти.

Жўрабек МУРОДОВ, Даврон АҲМАД олган суратлар.

ҲУҚУҚИЙ СУҲБАТЛАР

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИ

Сайлов ҳар қандай ривожланган демократик ҳуқуқий давлатда мунасиб мансаб ва лавозимларни эгаллашнинг энг мақбул ва манзур воситаси сифатида узоқ замонлардан бери шаклланиб, ривожланиб келмоқда. "Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади". Бобокалонимиз Амир Темурнинг бу сўзлари бир неча ўз йиллар ўтган бўлсада, долзарблигини ва аҳамиятини йўқотгани йўқ. Демак, мукамал қўнунлар амал қилган давлатнинг келажаги порлоқдир.

Сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг энг масъулиятли ва муҳим ҳуқуқларидан бири. Унга тўқсинлик қилиш жиноят қонунчилиги билан тақиқланади. Сайлов ҳуқуқи Конституцияда ўз аксини топан бўлиб, "Сайлов тизими" деб номланади. Унда Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг ҳокимият вакиллик органларига сайлаш ва сайлаш ҳуқуқига эга экани, сайловчи бир овозга эгаллиги, овоз беришда тенглик ва эркинлик қонун билан қафолаштирилганлиги ўз аксини топан.

Сайлов ҳуқуқи жамият ҳаётида катта ўрин тутади, ҳал этувчи аҳамиятга эга. Бу соҳада бир неча қўнунлар қабул қилинган. Булар "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунлардир. Демак, Ўзбекистонда энг юқори инстанциялардан тортиб, қўйи органларга ҳам ўз ваколатларини сайлов асосида демократик тамойилларга асосланиб амалга оширадиган фуқароларнинг ҳуқуқларини қўриқлаш ва жамоат ташкилотлари сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатлардан номзоднинг манфаатини химоя қилади.

Бир ўзи бир неча жойда тарғиб олиб бора олмаслиги, ташкилий масалаларда қийналиб қолмаслиги учун, номзоднинг тақдимномасига қўра, унинг ишончли вакили, марказий сайлов комиссиясининг тегишли органлари томонидан рўйлов ҳуқуқи асосида ўтказилгани, яширин овоз бериладиган ва сайловчилар ҳуқуқларидан бири. Унга тўқсинлик қилиш жиноят қонунчилиги билан тақиқланади.

ТОМОРҚА – ТУГАНМАС ХАЗИНА

ФАЙЗ-БАРАКА МАНБАИ

Мустақиллик йилларида ўзини ўзи бошқариш институтини ҳисобланган маҳалланинг катта тарбиявий аҳамияти яққол намоён бўлди.

Даромад манбаи бўлган томорқадан фойдаланиш бошқарма маҳаллаларга нисбатан анча ривожланган. Аҳоли ҳисобида 57 гектар томорқа ер бор. Унинг 34,80 гектар экин майдонлари. Илҳом Қозқобоев, Ҳикматилла Саъдий, Муҳиддин Тешабоев, Хусниддин Хошимов оилалари ердан яхши даромад олаётгани боис, қўни-қўшни улардан қолишмасликка интиляпти. Ҳар бир хонадонда ситир-бузоқ, товук, қўй-қўзи боқилаётгани оилалар фаровонлигини таъминляпти.

Илҳом Қозқобоевнинг 1998 йилда 140-сонли қарорни асосида қабул қилинган Давлат дастури ижроси юзасидан батафсил маълумот берилди. Қарорга мувофиқ ташкил этилган скрининг марказлари 13 тага етиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Аҳолининг 72 фоизи скрининг текширувидан ўтказилди.

Анжуман сўнггида соҳа мутахассислари оммавий ахборот воситалари ходимлари саволларига атрафли жавоб бердилар. Умида ШУКУРОВА.

